



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2019 йил 18 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 145 (13.992)

Баҳоси эркин нарҳда

САНОАТДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ВА КООПЕРАЦИЯНИ КЕСКИН КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 17 сентябрь куни саноатни жадал ривожлантириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ва кўламини кенгайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати юритилган, ташқи савдо ва валюта операциялари эркинлаштирилган натижасида соғлом рақобат муҳити, ҳақиқий бозор иқтисодиёти шаклланди.

Йиғилишда Ўзбекистон саноатини замон талаблари асосида ривожлантириш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва турини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, юқори қўшилган қиймат яратишга йўналтирилган саноат сиёсатини юритишимиз зарур. Мавжуд хом ашё ва имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, маҳаллийлаштириш даражасини чўқурлаштириш ва кўламини кескин кенгайтириш ушбу саноат сиёсатининг негизи бўлиши керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентнинг жорий йил 24 августдаги қарориди ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноат тармоқларида кооперация алоқаларини жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этиш белгиланган эди. Йиғилишда ушбу тизимнинг самарали ишлашини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди. Маҳаллийлаштиришни кенгайтиришга қаратилган энг муҳим йўналишлар кўрсатиб ўтилди.

Тармоқлар ва йирик корхоналарда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда саноат кооперациясини кенгайтириш масаласи муҳокама қилинар экан, жорий йилнинг ўтган даврида янги лойиҳалар доирасида бор-йўғи 1 миллиард долларлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилган қоникорлик деб баҳоланди. Бу борадаги ишлар суғуртирилган қўшилган қиймат "Ўзмаҳсус-мониторинг" акциядорлик компанияси, "Ўзғой-саноат" уюшмаси, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти каби корхоналар фаолияти танқид қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 1 майдаги "Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди белгиланган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича амалий чоралар кўриш, электрон кооперация порталини тезроқ ишга тушириш, саноат маҳсулотлари етказиб бериш шартномаларини электрон тузиш кўламини кенгайтириш вазифаси қўйилди.

Худудларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг кескин кенгайтириш ва чуқурлаштириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Жорий йилда худудий импорт ўсиши тармоқлардагига нисбатан 2 баробар юқори бўлиши кутилмоқда. Бу худудларда ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш учун катта эҳтиёж борлигини яққол кўрсатади. Масалан, яқинда соҳа вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар тўртта шаҳарга бориб, Ангренда 38 та, Навоийда 13 та, Наманганда 29 та ва Чирчиқда 18 та янги маҳаллийлаштириш лойиҳаларини шакллантирди.

Шу тартибда ҳар бир худуд бўйича маҳаллийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Ер майдонлари, тайёр бинолар ва инфратузилмага эга бўлган кичик саноат зоналари бу борада катта имконият яратди. Лекин юртимиздаги 156 та ана шундай зонадаги лойиҳаларнинг атиги 13 фойизи маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган. 80 та шаҳар ва туманда бирорта ҳам мазкур турдаги худуд ташкил қилинмаган.

Мутасаддиларга барча кичик саноат зоналарида импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш лойиҳаларини кўпайтириш, ўша 80 та шаҳар ва туманда шундай зоналар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Импорт қилинаётган технологик ускуналардан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Чунки жойларда четдан валютага олиб келинган технологиклар ишлатилмай турган кўплаб ҳолатлар аниқланган. Бунга ер ажратиш, қурилишга рухсат бериш, коммуникация тармоқларига улаш каби масалалар тўсиқ бўлган.

Давлатимиз раҳбари ускуналар харид қилган тадбиркорлар муаммоларини тезда ҳал этиш, режалаштирилган корхоналарнинг ишлаб кетишига кўмаклашиш бўйича қатъий топшириқлар берди. Бизнес-омбудсман-

га импорт қилинган технологик жиҳозларни ишга туширишгача бўлган барча жараённи туман, шаҳар, вилоят ва республика даражасида мувофиқлаштириш тавсия этилди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда етакчи бўлган йирик лойиҳаларни ўз мuddатиди амалга ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, "Навоийазот" негизиди 100 минг тонна поливинилхлорид, Тошкент металлургия заводида 500 минг тонна металл прокати, Шўртан газ-кимё мажмуасида 744 минг тонна дизель ёқилғиси, Тошкент механика заводида майиш техника ишлаб чиқариш кластери, "Кварц", "Сирдарё Гласс" ва "Зарафшон ойна" корхоналарида ойна ишлаб чиқариш лойиҳалари йилгига 2,5 миллиард доллар миқдориди маҳаллийлашган маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Бундан ташқари, уларнинг атрофида бошқа кичик ишлаб чиқаришлар ҳам ривожланади ва янги иш ўринлари яратилади.

Бош вазир ва Ҳисоб палатаси раҳбарига ушбу йирик лойиҳаларни ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маҳаллийлаштиришни қўллаб-қувватлаш масаласи кўриб чиқилар экан, бундай лойиҳаларни амалга оширишда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан қафиллик бериш ва кредит фойдаланиш қисман қоплаш тизимидан самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, божхона тўловларини 120 кунгача узайтириб тўлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштирган корхоналарнинг тайёр маҳсулотларини сертификатлаш ва стандартлаштириш масалаларида кўмаклашиш имконияти мавжудлиги қайд этилди.

Давлат харидларида маҳаллий корхоналар иштирокчини кенгайтириш ва рағбатлантириш, ташқи савдонини тартиф усули билан бошқариш самардорлигини ошириш бўйича ҳам устувор вазифалар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тармоқлар ва худудлар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

ЎЗА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Миллий рақс санъатимизни тарғиб қилиш, мамлакатимизда туризмни янада ривожлантириш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Рақс сеҳри" халқаро фестивалига бу йил ҳам катта тайёргарлик қўрилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу маданий тадбир миллий урф-одатларимиз, кадрларимиз ва санъатимизни улуғлаш билан ҳам аҳамиятлидир. Фестиваль тантанали очилиш маросими Хива шаҳридаги "Ичан қалъа" давлат музей кўриқхонасининг "Ота дарвоза" мажмуаси олдида ўтказилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида Давлат хавфсизлиги хизмати Чегара қўшнлари ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларига 48 хонадондан иборат янги уй фойдаланишга топширилди. Янги уйда барча шарт-шароит яратилган бўлиб, болалар учун ўйин майдончалари, ҳовли шийпони ва савдо дўкони барпо этилган. Қурилиш ишлари "Инвестстрой Нукус" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан белгиланган мuddатда бажарилди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази кутубхонасида сақланаётган ва янги келтирилган китоблар тақдими ўтказилди. Тақдимотда хоризждан келтирилган янги китобларнинг мазмун-моҳияти, илмий аҳамияти, асарларда илгари сурилган эзгу гоялар тўғрисида атрофлича маълумот берилиб, мазкур китоблар хазинаси халқаро марказ тадқиқотчилари учун буюк алломаларимиз илмий меросини чуқур ўрганиш ва тадқиқ этишга хизмат қилиши таъкидланди.

● Ангор туманининг қадимий Ангор маҳалласида бўлиб ўтган сайёр қабулда вилоят, туман ҳокимликлари мутасаддилари, Халқ қабулхонаси вакиллари, вилоят ташкилот ва идоралари, секторлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Янги авлоддаги зарбдор учувчисиз парвоз қурилмаси "Akinci"ни яратиш лойиҳаси Украинанинг "Укрспецэкспорт" ва Туркиянинг Baykar Savunma компаниялари томонидан ташкил этилган қўшма корхонанинг илк лойиҳаларидан бири бўлади. Бу ҳақда "Укроборон-пром" концерни матбуот хизмати хабар қилди. Концерн бош директори Павел Букиннинг таъкидлашича, янги дрон XXI аср стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилади. Парвоз қурилмасининг асосий устунликларида бири ҳарбий самолётлар қўлайдиган ўқ-дорлар билан зарба бериш имконияти бўлади. "Akinci" 12 кггача баландликка кўтарилиб, ҳавода 24 соатгача қолиши мумкин бўлган оғир дронлар турига тегишли бўлиб, у бир тоннадан кўпроқ юкни кўтара олади.

● Япониядаги ўз пайтида кучли аварияни бошидан ўтказган Фукусима-1 атом электр станциясида зарарли сувларнинг тўпланиб қолиши муносабати билан 170 тоннага яқин шундай суви Тинч океанига чиқариб юбориш масаласи кўриб чиқилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ФРАНЦИЯ ЎРТАСИДАГИ МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоевнинг Франция Республикасининг Марказий Осиёдаги иқтисодий дипломатия бўйича вазир махсус вакили Паскаль Лоро бошчилигидаги делегация билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тарихий алоқаларнинг бугунги босқичида Ўзбекистон – Франция муносабатлари ўзаро ишонч руҳида ривожланиб бормоқда. Мустақиллик йилларида демократик тамойил ва бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳозирги кунда янги руҳ ва мазмун касб этгани Ўзбекистондаги ислохотларга хайрихоҳ Франция томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Учрашувда иқтисодиёт ва икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил октябрда Францияга амалга оширган ташрифи ва музокаралар яқунлари бўйича эришилган келишувлар Ўзбекистон – Франция муносабатларини ривожлантириш, шу жумладан, иқтисодий, инвестициявий алоқаларни чуқурлаштириш учун янги имкониятлар очиб бергани таъкидланди.

Шунингдек, ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасида қарор толган дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, шериклик муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини берди.

Учрашувда Франция Ўзбекистоннинг Европадаги асосий сиёсий ва иқтисодий ҳамкорларидан бири экани қайд этилди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Францияга расмий ташрифи чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида молиявий-техник кўмак воситаларини, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий инфратузилмасини ривожлантиришга жалб қилиш соҳасида компаниялар ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Шаҳар иситиш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистонда гидроэлектростанцияни ривожлантириш ва хусусий сектордаги лойиҳаларни молиялаштириш бўйича лойиҳалар ҳамкорлигининг муҳим йўналишлари сифатида белгиланди.

Учрашувда икки томонлама иқтисодий муносабатлар суръати узлуксиз ошиб бораётгани ва бу икки давлат манфаатларига тўлиқ жавоб бериши таъкидланди.

Томонлар ўзаро иқтисодий манфаатли бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири



ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИГА ПРЕСС-ТУР

Пойтахтимизда яқинда фаолият бошлаган Президент мактабига оммавий ахборот воситалари ходимлари учун пресс-тур ташкил этилди.

Ушбу мактаб давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги "Президент мактабларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, мамлакатимизда иқтисодий ёшларни ўқитиш тизимини яратиш ҳамда келгусида уларда раҳбарлик ва етакчилик кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Илк Президент мактаби Тошкент шаҳрида иш бошланди. Айни пайтда Наманган, Нукус ва Хивада Президент мактабларининг қурилиш ва жиҳозлаш ишлари яқунланмоқда. Президент мактабларининг дастлаб чекланган миқдорда ташкил этилиши ушбу муас-

сасаларни бошқариш учун мутлақо янги моделни синаб кўриш зарурати билан боғлиқ.

Синовдан сўнг, Президент мактаблари 2020 йилда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида, 2021 йилда Андижон, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида қурилиш режалаштирилган.

Жорий йилда Президент мактабига кириш имтиҳонлари Наманган, Нукус, Хива ва Тошкентда икки босқичда бўлиб ўтди. Дастлаб, саралаш имтиҳонларида қатнашиш учун 28 452 нафар номзод рўйхатга олинди. Шундан 27 471 нафари имтиҳонда иштирок этиш

ҳуқуқига эга бўлди. 27 119 нафар номзод эса саралаш имтиҳонларида иштирок этди.

Саралаш босқичи имтиҳони натижаларига кўра, 12 мингга яқин ўқувчи асосий имтиҳонларда иштирок этишни қўлга киритди. Асосий имтиҳонларда битта ўринга даъвогарлар сони 20 кишини ташкил қилди. Имтиҳон натижаларига кўра, ҳар бир мактабга 144 ўқувчи қабул қилинди. Президент мактабларида асосий ва дастлабки синовал "Cambridge Assessment International Education" мутахассислари томонидан ўтказилди.

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИГА ПРЕСС-ТУР



(Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, Халқ таълими вазирлиги Президент мактабига кира олган бир гуруҳ иқтидорли ўқувчиларга юртимиздаги бошқа ихтисослаштирилган мактабларда таълим олишни тавсия қилди. Улар ушбу ихтисослаштирилган мактабларга имтиҳонсиз қабул қилинди.

Президент мактаблари интернат сифатида фаолият кўрсатмоқда. Яъни, ўқувчилар 5 кун давомида мактаб ҳудудида (кампусда) яшаб, ўқишади. Дам олиш кунлари ота-оналар фарзандларини уйга олиб кетишлари мумкин. Бу ерда ўқувчилар бепул мактаб формаси ва овқат билан таъминланади.

Президент мактабларида ўқув жараёни "STEAM – таълим" дастури (Science – табиий фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник иходкорлик, Art – санъат, Mathematics – математика) бўйича олиб борилади. Бу эса иқтидорли ёшларнинг фикрлаш қобилияти, ирода, иходий салоҳияти, мослашувчанлигини ривожлантиришга имкон беради. Ушбу йўналишдаги дарслар инглиз тилида олиб борилади. Айтиш пайтада мактаб STEAM методологияси бўйича дарслик ва ўқув қўланмалар билан таъминланган.

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва юртга садоқат руҳида тарбиялаш учун Президент мактабларида ўзбек тилида ўқитиладиган она тили ва адабиёти, тарих ва бошқа фанларни чуқур ўрганишга алоҳида эътибор берилади. 9-11-синф ўқувчиларининг қизи-

қишлари ва хусусиятларига қараб, таълим ўқув жараёни индивидуализация қилинган ҳолда олиб борилади.

Президент мактаблари битирувчилари белгиланган тартибда давлат томонидан тасдиқланган шаҳодатнома, аттестат билан бир қаторда, халқаро даражадаги тегишли дастур дипломи (International Baccalaureate, Advanced Placement ёки International Advanced Levels)га эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, хорижий олий ўқув юрталарига кириш имконини беради. Канаданинг "Teachaway" ҳамда Буюк Британиянинг "TIC Recruitment" рекрутнинг компаниялари билан ҳамкорликда мактабга 30 нафар чет эллик мутахассис танлаб олинди. Шунингдек, 72 нафар тажрибали ва малакали маҳаллий ўқитувчи ҳам жалб этилди. Уларнинг барчаси махсус имтиҳондан ўтказилди.

Cambridge Assessment International Education вакиллари томонидан маҳаллий ва хорижий мутахассислар учун Кембриж ўқув дастурлари асосида махсус тренинглар ўтказилди. Шунингдек, Cambridge ўқув дастурини амалга оширишнинг иходий тажрибасини ўрганиб, уни мамлакатимиздаги бошқа мактабларда қўловчи маҳаллий мутахассислар жамоаси шакллантирилди. Аҳамиятисиз, Президент мактаблари ўзига хос билимлар марказига айланади.

Тошкентда барпо этилган ушбу мактаб биноси гоёя кўркам. Синфхоналари энг замонавий ўқув, техникавий жиҳозлар билан таъминланган. Дарс мобайнида муайян фан бўйича ўзбекистонлик ўқитувчи билан бирга

хорижлик педагог ҳам болаларга биргаликда билим беради. Бу эса таълим сифатини ошириш билан бирга педагоглarning ўзаро билим ва тажриба алмасишувидан гоёя асқотиши табиий.

Маъзур мактаб директори Тўрабой Шерматовнинг айтишича, ўқувчилар юртимиз ва хорижлик педагоглар иштирокидаги ноанъанавий дарс жараёнларини бажонидил ўзлаштирмоқда. Синфхоналар ҳар бир фанга мос тарзда жиҳозланган, уларнинг дизайни, техник ўқув услубий таъминлашига жиҳдий эътибор қаратилган. Бир қарашда мактабнинг оддий доскасидек туюлган ускуна бир вақтнинг ўзида ҳам электрон доска, компьютер вазирасини ўтайди. Мактабда болаларнинг тўлақонли таълим олиши, ўқишга, изланишга бўлган иштиқини янада кучайтириш учун зарур барча шароит яратилган. Футбол, баскетбол, теннис майдончалари, сузиш ҳавзаси, жисмоний тарбия зали ҳавас қилса арзиғулик даражада.

Болаларнинг яшаш жойлари гоёя шинам. Кутубхона миллий ва хорижий ўқув адабиётлари, бадий китоблар билан бойитилмоқда. Ундаги компьютерлар Алишер Навоий номидидаги ўзбекистон Миллий кутубхонасига уландан. Муҳташам амфитеатрда ўқувчилар учун турли маданиян-маърифий тадбирлар, анжуманлар ўтказиш мумкин.

Уларнинг барчаси ёш авлоднинг пухта билими, кенг ва соғлом дунёқараш эгаси бўлиб воёга етишига хизмат қилади.

Назокат УСМОНОВА

Сайлов жараёнида омвий ахборот воситаларининг эркин иштирок этиши ҳамда уни ёритиши муҳим аҳамиятга эга. Айнан ушбу омил сайловнинг шаффофлик асосида ўтказилишида муҳим шартлардан саналади.

САЙЛОВНИ КЕНГ ЁРИТИШ УЧУН ХАЛҚАРО МАТБУОТ МАРКАЗИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда уни очиклик ва ошкоралик принципларида риоя қилган ҳолда ушбоққлик билан ўтказишга қаратилган тайёргарлик ишлари жараёнида омвий ахборот воситалари вакиллари сайловларга тайёргарликнинг бориши ва сайлов жараёнларини ёритиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратилмоқда.

Шу мақсадда Халқаро матбуот маркази ташкил этилмоқда. Маъзур марказ Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 16-уйда жойлашади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида маълум қилинди.

Мажлис кун тартибидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларни ёритиш бўйича Халқаро матбуот марказининг фаолиятини ташкил этиш, МСҚнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тасдиқлаш каби масалалар ўрин олди.

Сайлов кодекси, "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов

комиссиясининг Халқаро матбуот маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорини қабул қилди.

Мажлисда округ ва участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш бўйича йўриқнома, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловларида иштирок этиш учун сиёсий партиялар томонидан имзоларни тўплаш тартиби, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари ҳамда номзодларнинг ишончли вакиллари тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Шунингдек, "Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жа-вобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш тўғрисида" қарор ҳам қабул қилинди.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари, МСҚ ходимлари, сиёсий партиялар ва омвий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тадбирлар Марказий сайлов комиссияси, тузилмадан сайлов комиссиялари томонидан очик ва ошқорқа ҳамда Сайлов кодексига тўлиқ мувофиқ ҳолда амалга оширилиши таъкидланди.

ЎЗА

ЮРИДИК ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ ТАЙЁРЛАЁТГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБГА ЖАВОБ БERAДИМИ? АФСУСКИ...

Жамиятдаги ўзаро муносабатлар турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ана шу ҳужжатлар пухта, яъни асосли ва тўғри шакллантирилса, бу жамият, одамлар манфаати ҳимоят қилади. Уларнинг муҷмал ва хатотик билан тайёрланиши эса турли чалкашликларга сабаб бўлиши сир эмас.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари асосан идора ва ташкилотларда ишловчи юридик хизмат ходимлари томонидан тайёрланади. Ушбу соҳани ривожлантириш, тизимда хизмат қилаётган юристларга имтиёзлар бериш бўйича кейинги пайтада кўп иш қилинди.

Бирок, юридик хизмат ходимларининг барчаси ҳам талаб даражасида ишламаётгани ёки жон куйдирилмаётгани улар томонидан тайёрланган лойиҳаларда кўриниб қолмоқда.

Масалан, 2018 йил давомида Адлия вазирлигининг Иқтисодий қонунчилик бошқармасига 1 миңг 477 норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси келиб тушган бўлса, уларнинг 980 тасига розилик имзоси қўйилган. Аммо уларнинг 785 таси бўйича эътирозлар билан розилик берилган. Бор-йўғи 195 таси бўйича эътирозларсиз имзо қўйилган.

Қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас, деб топилиб, қайтарилган ҳужжатлар лойиҳалари

96 тани ташкил этган. Регламент талабларига мувофиқ тақдим этилмаганлиги сабабли, экспертизадан ўтказилмасдан қайтарилган ҳужжатлар лойиҳалари 401 тани ташкил қилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида норма иходкорлиги бўйича амалга ошириладиган ишлар, ечимини кутаётган муаммоларга бағишланган семинарда шу ҳақда сўз борди.

Адлия вазирининг ўринбосари Худобер Мелиев жамиятда ке-чаётган ислохотларнинг тўла-тўқис амалга ошиши ҳар томонлама пухта ва сифатли ҳужжатларни ишлаб чиқиши тақозо қилишини қайд этди. Эеро, ҳар бир ҳужжатнинг замирида ўз ечимини кутаётган муаммо ётади. Шу боис ҳужжатларни сифатли, пухта ҳамда ўз муддатида ишлаб чиқишда ҳар бир вазирлик ва идоранинг мутахассис ходимидан тортиб биринчи раҳбаригача зиммасида катта масъулият ва жавобгарлик мавжуд.

Юридик хизматлар ходимлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда қўйилган топшириқни тўлақонли англаб, уни ҳужжатга сингдириши, шу йўналишдаги халқаро тажрибани ўрганиши, тегишли идоралар билан келишиши,

лойиҳа тайёр бўлган уни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиши керак.

Лекин амалда юридик хизмат ходимларининг кўпчилиги зиммасига қўйилган бу каби вазифаларни чуқур англамаган ҳолда ҳаракат қилмоқда. Шу сабабли лойиҳаларни ишлаб чиқишда барча ташкилотлар ва ихрочилар юридик хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш керак. Ҳужжатларни назарда қўйиб, ҳар бир ҳужжатнинг сифатли ишлаб чиқишда юридик хизмат ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш зарур.

Семинарда қайд этилишича, юридик хизматлар ходимлари устидан шикоятлар тушаётгани ачинарли ҳол. Хусусан, айримлари фуқароларни овора қилиш, улар билан кўпол муомалада бўлиш ҳолатларига йўл қўйган. 2019 йилнинг ўтган даврида адлия органларида юридик хизмат ходимлари устидан 36 шикоят тушган. Бу каби салбий ҳолатлар ҳуқуқшунос томонидан оддий касб этика қоидаларига риоя этилмаётганидан келиб чиқмоқда.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вазирлик томонидан "Юридик хизмат ходимларининг касб ва этика қоидалари" ишлаб чиқилмоқда.

Н.АБДУРАИМОВА

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси расми Дилбар Нажмутдинова пойтахтимизда "Бошқарув ва бизнесда хотин-қизлар иштироксини ошириш мамлакат сиёсатининг устувор йўналиши" мавзусида бўлиб ўтган тадбирда шу фикрларни қайд этди.

Тадбир Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари, Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмиталари томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Таъкидланганидек, пойтахтда ташаббускор, тадбиркор опа-сингилларимиз ҳам талайгина. Айни пайтада уларнинг сони 5000 дан зиёд. Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1130 хотин-қиз тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтди. Улар томонидан 1700 га яқин иш ўрни яратилди. Шундан қарийб 400 таси хунармандчилик ва касаначилик йўналишида, 120 таси оилавий боғчаларда ташкил этилган.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАРНИ НИМАЛАР ЎЙЛАНТИРАЯПТИ?

– Йил бошидан буён Тошкентда 19 йirik қорхона иш бошлади. Уларда 4272 иш ўрни яратилди. Бу иш ўринларидан 1293 таси бўш турибди. Минг афсуски, пойтахт аёлларини ишга жалб этиш масаласи бироз қийин бўлаяпти. Гап фақат мошда эмас. Уларнинг ақсариятида хоҳиш йўқ, боқимандалик кайфиятига берилиб қолган. Мана шу масаланинг ечимига жиҳдий эътибор қаратиш керак.

Маълум қилинишича, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Халқ банки, "Микрокредитбанк" АТБ ўртасида имзоланган битимга кўра, ўз тадбиркорлигини бошлаш истагида бўлган пойтахтлик 64 аёлга шу йил бошидан буён 4 миллиард 729 миллион 665 сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Бундан ташқари, ишлаш истагида бўлган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва шаҳар бандлик бошқармаси ҳамкорлигида алоҳида дастур қабул қилинган. Маъзур дастур асосида ишчи гуруҳлар томонидан ихтимойий ёрдамга

муҳтожлар тоифасига қирадиган аёллар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Рақамлар ўз йўлига, амалда тадбиркорлик йўналишида аёллар дуч келаётган муаммолари вазиятлар ҳам борлиги яхши маълум. Мулоқотлар давомида айтиш жиҳатга алоҳида урғу берилди.

Маълум қилинишича, жорий йилнинг ўтган даврида мамлакат бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёки шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизлардан Олий Мажлис Сенатига 300 дан ортиқ мурожаат келиб тушган. Улар асосан тадбиркорлик фаолиятини бош-

лаш учун ер ажратиш, тижорат банклари билан кредит олиш, моддий ёрдам кўрсатиш, арзон уй-жойлар билан таъминлаш масалаларини қамраб олади.

Шунингдек, ҳозирда тадбиркор аёллар бина-иншоотлар, банк кредитлари ҳамда ер майдонлари ажратилиши, бузилган биналар бўйича компенсация пуллари олиш билан боғлиқ муаммолардан қийналмоқда.

Тадбирда шу каби тўсиқ ва камчиликларни бартараф этиш юзасида тақлифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Феруза МИРЗАКОМИЛОВА,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон — Тожикистон:

ХАВФСИЗЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкентда 17 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ва Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши аппарати ўртасида икки томонлама маслаҳатлашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгаши котиби Виктор Махмудов ва Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котиби Маҳмадвали Ватанзода раислигида ўтган маслаҳатлашув чоғида икки томонлама олий даражадаги таширфлар, Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланиши узоқ муддатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришда иходий таъсир кўрсатгани қайд этилди.

Икки давлат раҳбарларининг қатъий иродаси туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янгича мазмун билан бойиб, оқори даражага кўтарилди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон – Тожикистон маслаҳатлашуви механизми икки давлат ўртасидаги яқин кўшилиқ, дўстлик ва ҳамкорликни изчил ва жадал суръатларда ривожлантиришдек умумий мақсадга хизмат қилиши, фуқароларимиз манфаатларига мос келиши, ўзбек ва тожик халқларининг тинч ҳаёти, фаровонлигини таъминлашга қаратилгани таъкидланди.

Маслаҳатлашув минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни, Марказий Осиё давлатлари изчил тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Томонлар мамлакатларимиз ўртасида хавфсизлик соҳасида турли даражадаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, келажакда шартномавий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва биргаликдаги амалий ҳаракатларни ривожлантиришга тайёр эканликларини тасдиқлади.

Маслаҳатлашув чоғида экстремистлик ва террорчилик фаолиятига қарши биргаликда ҳаракат қилиш соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий механизмларини такомиллаштириш, чегаравий хавфсизликни таъминлаш ва умумий давлат чегараларида иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбирда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни янада такомиллаштириш бўйича умумий ташаббуслар ва тавсиялар ишлаб чиқилди, ўзаро муносабатлар ривожидида оқори суръатини сақлаш, ушбу жараёни мавжуд салоҳият, фойдаланилмаган имкониятлар ҳисобига янада жадаллаштириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Икки томонлама маслаҳатлашув якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ва Тожикистон Республикаси Хавфсизлик кенгаши аппарати ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Меморандум ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни назарда тутувчи Протокол имзоланди.

ЎЗБЕКИСТОН ХИТОЙЛИК МАШИНАСОЗЛАРНИ ЖАЛБ ЭТМОҚДА

Тошкентда Хитойнинг машинасозлик ускуналари ишлаб чиқарувчи компаниялари иштирокида Марказий Осиё машинасозлиги халқаро кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва "Beijing TRIC International Exhibition Co.Ltd" компанияси томонидан Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Хитойнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада 70 дан зиёд хорижий компаниялар вакиллари ўз махсулотлари билан иштирок этмоқда.

Кўргазмадан асфальт-бетон заводлари қуриш, қурилиш ашёлари ташуви, қадоқлаш ускуналари, махсус машиналар, қурилиш қранлари ва саноат лифтлари, гишт, қозон тайёрлаш ускуналари, тегирилмонлар, тош ва қимматбахо металлларга ишлов берувчи станоклар, бурғиллаш қурилмалари, ўтга чидамли махсулотлар ишлаб чиқариш қорхоналари учун зарур техника воситалари ўрин олган.

Ушбу кўргазмага жаҳон машинасозлик бозорига муносиб ўринга эга йirik қорхоналарнинг энг сара техникаларини келтирдик, – дейди Хитой компаниялари делегацияси раҳбари, "Beijing TRIC International Exhibition Co.Ltd" компанияси менежери Фрэнк Сан. – Бугунги кунда Ўзбекистондаги ўзгаришлар, хусусан, хорижий бизнес ҳамкорларга яратилган қўлай шароитлардан яхши хабардоримиз. Маъзур кўргазма ҳуқуқматларро келишувлар самарасидир. Умид қиламизки, кенг қўламли ҳамкорликнинг қисқа фурсатда ўз самараларини бериб, ҳар икки томон манфаатларига хизмат қилади.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида В2В форматдаги мулоқот ҳам ўтказилди.

Ф.ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА муҳбири



МЕХР ҚУТҚАРАДИ – ЖУМЛА ЖАҲОННИ

Президентимизнинг Олий Мажлиста тақдим этган Мурожаатномаси биз ижод аҳлига янада кўтаринки руҳ бағишлади. Ҳазрати Ватан тақдирига дахлдор билган ҳар бир уйғоқ фуқаро Мурожаатномадан сўнг амалга оширадиган ишларининг йўл харитасини жиддий кўриб чиқадиган бўлди. Мурожаатнома адаблар, хусусан мен каби шоирлар учун ёзилмаган асарларга чексиз илҳом берувчи дастур, десам муболага эмас.

Ўтган 2017 йил 22 декабрда Президентимизнинг Олий Мажлиси тақдим этган Мурожаатномаси йил давомида биз ижодкорларни руҳлантириб, қувватлантириб турди. Натижада биз халқимизга янада яқин бордик. Вақтли матбуотда эълон қилинаётган публицистик мақолалар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Ижод" фонди хомийлигида чоп этилаётган ва чоп этилишига тайёрланаётган асарларга асос – халқ билан учрашувларимиз бўлди. Мурожаатномани тинглар эканман, мен бир она сифатида йиллар давомида барча Ўзбекистон хотин-қизларини қийнаб келаётган муаммоларни ечишда давлатимиз раҳбарининг оталарча гамхўрликларидан чексиз тасвирландим. Ўз фарзандини элу юртга садоқатли, улуг аждодлар шону шавкатига муносиб ворис қилиб тарбиялаётган ўзбек аёлига хурмат Мурожаатномасида ўз аксини топган. Айниқса умрини ногирон фарзандини тарбиялашга бағишлаган оналар учун алоҳида ижтимоий нафақа жорий этилишини мамнуният билан қайд этиб ўтишни истар эдим.

Аммо, муштипар она узу кун ногирон боласи билан азоб тартади. Унинг инжиқликларини кўтаради, дориларини ичтиради, алоҳида овқат тайёрлайди. Кийимларини тез-тез алмаштиради, ювади, дазмоллайди, гўдакнинг аҳволи оғирлаша-дўхтирма-дўхтир чопади. Дорихонама-дорихона югуради. Бундай она бир лаҳза бўлсада бу дунёда ўзи учун яшамайди. У дунёнинг шодлигини ногирон боласининг битта табассумига алмашади. Агар бирор шифокор унга "Жонинг-нама-дорихона югуради" – деса ҳеч иккиланмай жонини беради. Чунки у она. Ҳар гал шундай аёллар, яъни ногирон гўдагини, гулни бағрига босгандек бағрига босиб тарбиялаётган аёлларни кўрганимда "Сизга минг раҳмат, сизга минг таъзим. Сиз бу оламдаги энг жасоратли инсонсиз. Сиз каби аёллар борки, одамзод онадек зотга бош эгади" деб таскин берад эдим. Мана энди Юртбошимизнинг гамхўрликлари туфайли улар ҳам ижтимоий нафақа оладиган бўлади.

Мурожаатномасида 13 мингдан зиёд хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш, 1 минг 600 хотин-қизларнинг эса бандлигини таъминлаш ва уларга арзон уй-жойлар бериш масаласини ҳал қилиш бўйича қилинадиган вазибалар муфассал тўхталиб ўтилди. Бу борада тегишли ташкилотларга топширилган берилди.

Мурожаатномасида улуг бобомиз Нажимиддин Кубронинг "Муваффақият саъй-ҳаракатда, муваффақиятсизлик лоқайдлик ва дангасалиқдадир" – деган ҳикматларини келтирилди. Айни ўз ўрнида кўлланилган пурмаво фикрлар, аввало буюк бобомизнинг нодир ижодига ҳуқур эҳтиром бўлса, иккинчидан асрлар оша миллатимизга муваффақият ҳаракатда, уйғоқликда эканидан оғохлантирилиб ўтилди.

Мурожаатнома ҳар соҳада юксалишларга эришаётган юртошларимизни янада бирлашиб, ақл-идрокини ишга солиб, садоқат билан ишлашга руҳлантириб, нечача замонлардан буюн халқимизнинг орзу, армонларини ушалишига аниқ ечимлар бергани билан аҳамиятлидир.

Зулфия МҲМИНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Тошкент шаҳридаги 77-сонли кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Жанубий Кореянинг "Friedasia" компанияси ҳамда Республика кўзи ожизлар жамияти марказий бошқаруви ҳамкорлигида мактаб ўқувчиларига махсус ўқув куроллари (прибор ва грифель) топширилди.

ҚАЛЬ КЎЗИ УЙҒОҚ БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти, Жанубий Кореядан келган меҳмонлар, Республика кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари директорлари иштирокидаги тадбирда болажонлар Ватан, она ва мактаб ҳақидаги шеърлар ўқиди. Меҳмонларга орзулари ҳақида гапириб берди.

– Китоб ўқишни, шеър

ёдлашни яхши кўраман, расм чизишга, тўқиш-бичишга қизиқаман. Катта бўлсам ўқитувчи бўлмоқчиман. Болаларга ҳарф танитиб, китоб ўқишга бўлган меҳрини ошириб, баркамол инсон бўлишига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман, – дейди 77-сонли кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати 3-синф ўқувчиси Муниса Ҳасанова.

Мамлакатимизда 14 та шундай махсус мактаб-интернати мавжуд бўлиб, унда қарийб 3 мингга яқин ўқувчи таҳсил олади. Жорий йилнинг апрель ойида ҳомийлар томонидан уларга 725 та, янги ўқув мавсумида эса 1575 та Брайль алифбосида ёзиш учун мўлжалланган мосламалар топширилди.

(ЎЗА)

Қилмиш – қидирмиш

ГАП ТАЛАШИШ ОҚИБАТИ

Одам ҳар қандай вазиятда хатти-ҳаракатини бошқара билиши керак. Негаки, унга ақл-идрок берилган. Баъзида эсимизни йўқотиб қўямиз. Натижада афсус-надомат чекамиз. Қилмиш ишимиздан пушаймон бўламиз. Аммо кеч бўлади.

Элдор Рўзиев билан Фахриддин Каримов курсдош бўлишган. Иккиси ҳам олий маълумотли. Ўттизга ҳам тўлмаган. Шу йил 19 март куни Фахриддин Каримов кеч соат 21.00да пойтахтимизнинг Яшнобод туманида вақтинча яшовчи курсдоши Элдорнинг уйига меҳмонга боради. Курсдошлар ширин хотираларни эслаб пиво ичишади. Фахриддин Каримов уйига, Қашқадарёга қайтиб кетиши керак эди. Соат 23 дан ошганида Элдор курсдошини кузатгани "Дўстлик" метроси томон пийёда кетишга тўхтаганда карама-қарши томондан келётган икки нафар шахс билан гап талашиб қолади. Натижада Элдор билан Фахриддин арзимаган келишмовчилик сабабли М.Ирзаев ва А.Бекназаровнинг юз, бош, тана ва оёқ қисмига жароҳат етказди.

Суд-тиббий экспертизасининг ҳулосасига кўра, А.Бекназаровдаги жароҳат оғирлик даражаси бўйича соғлиқнинг узок вақт бузилишига олиб келадиган

ўртача оғир жароҳат тоифасига кириши қайд этилган.

Суд судланувчилар Элдор Рўзиев ҳамда Фахриддин Каримовга жазо тайинлашда уларнинг яшаш жойидан ижобий таъсирларини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини эътиборга олди. Уларнинг ҳар бирига бир йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Шунингдек, суд жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарини ундириш юзасидан тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик иш юритув тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тўшунтирди.

Икки курсдошнинг қилмишини кечириб бўлмайди. Улар арзимаган гапнинг орқасидан ўзгаларга мушт кўтариб, жароҳат етказди. Юриш-туришига баҳо бермасликнинг оқибати эса хунук бўлди.

Абдор САИДОВ,
жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг раиси

МАМЛАКАТИМИЗДА ДОРИВОР ВА ЗИРАВОР ЎСИМЛИКЛАР ПЛАНТАЦИЯ УСУЛИДА КЎПАЙТИРИЛАДИ

Тошкент давлат аграр университетида доривор ва зиравор ўсимликларни етиштириш масалаларига бағишланган ўқув семинари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда вазирлик мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш билан шуғулланувчи мутахассислар, олимлар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги масъуллари ва бошқалар мамлакатимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳолини арзон ва сифатли доридармон, тиббий анжомлар билан тўлақонли таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Соҳа олимларининг мавзуга доир маърузалари тингланди. Шунингдек, фармацевтика саноатининг доривор ўсимликларга бўлган талаби, доривор ўсимликлар етиштирувчи ва қайта ишловчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги масалалари бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар хусусида атрафчи маълумот берилди. Республикада доривор ва зиравор ўсимликлар турларини кўпайтириш, жумладан, заъфарон ва бошқа доривор ўсимликларни плантация усулида парваришlash борасида долзарб вазифаларга тўхталиб ўтилди.


Халқаро экспертлар прогнозига кўра, бугунги кунда дунёда табиий дори воситалари бўлган талаб йилига 6-7 фоизга ортаган бўлиб, 2020 йилда йиллик товар айланмаси 35 миллиард доллардан ошади, – дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Доривор ва зиравор ўсимликларни ривожлантириш бўлими бошлиғи Адиба Аҳмаджонова. – Хитой, Ҳиндистон, Канада ва АҚШ каби давлатлар ёввойи ҳолда ўсаётган доривор ва зиравор ўсимликларни сақлаш, маданий плантация усулида кўпайтириш борасида катта тажриба ва салмоққа эга. Хусусан, Хитойнинг доривор ўсимликлар ва дори воситалари ўртача йиллик товар айланмаси 100 миллиард долларни, экспорт ҳажми 1 миллиард долларни, импорт эса 274 миллион долларни ташкил этади.

Бугунги кунда дунё давлатларида 12 минг турдаги доривор ўсимликларнинг мингдан ортиғи, мамлакатимизда эса 1,2 минг турдаги доривор ўсимликларнинг 112 таси фармацевтика саноатида ишлатилади. Ўзбекистон доривор ўсимликлардан фойдаланиш бўйича дунё давлатлари ўртасида ўзига хос тарихий ўрни ва нуфузига эга. Бобомиз Абу Али ибн Сино доривор ўсимликларни тиббиётда амалий жиҳатдан фойдаланиш самарасини исботлаган. Унинг ноёб асарларини дунё олимлари тан олиб, бугунги кунгача қўллаб келмоқда.

Тадбирда мутахассислар ушбу йўналишда ҳудудларимиздаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида доривор ва зиравор ўсимликларни ёввойи ва маданий усулда етиштиришни тизимли йўлга қўйиш, махсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш бўйича аниқ чоралар кўрилатганини қайд этди. 2018 йилда республика бўйича фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилот ва корхоналари тасарруфларида ер майдонларининг 54,6 минг гектарига доривор ўсимликлар етиштирилиб, ички ва ташқи бозорга йўналтирилган. 2020-2023 йиллар давомида доривор ўсимликлар плантацияларини 103,7 минг гектарга етказиш режалаштирилмоқда.

Тадбир доирасида иштироқчилар Тошкент Ботаника боғидаги коллекция билан танишди. "Геробофарм" масъулияти чекланган жамияти томонидан етиштирилаётган доривор ва зиравор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш, экспортга оид хориж тажрибаси бўйича соҳа ходимлари билан суҳбатлашди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА муҳбири



Тошкент шаҳрида 19 сентябрь кунини ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайдиган. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шимол эсади. Ҳарорат кечаси – 13-15, кундузи

– 32-34 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 19 сентябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратибди, ифлослиқни даражаси паст бўлади.

Реклама ва эълонлар

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!
"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ
Ал-Хоразмий филиали таркибига кирувчи
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Ўрикзор мавзеси, ТХАЙ кўчаси, Улгуржи савдо мажмуасида 24/7 тизимида ишлайдиган шохобчани қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқувчи махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ
Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор-30, 16А-уй. Телефонлар: (71) 287-54-41, (71) 270-02-52.
Нархлари фоизда кўрсатилган тижорат тақлифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 7 календарь кун муддат ичида қабул қилинади.

Яшнобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 12.09.2019 йилда № 760135 рақам билан рўйхатга олинган "ASIA-INTER-TRADE" МЧЖ (СТИР 306702885) ташкилий ҳуқуқий шакли "ASIA-INTER-TRADE" хусусий корхонасига ўзгартирилади.
Даъво ва аризалар (97) 723-80-25 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳри Олмазор тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 28.01.2019 йилда № 675245 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "EXCLUSIVE ECO GRANIT" МЧЖ (СТИР 306048393) таъсисчининг 26.02.2019 йилдаги № 1 қарорига асосан
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Олмазор тумани, Парвариш кўчаси, 24-уй манзилида қабул қилинади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан 1997 йилда Абдужапаров Равшан Рахимович номига берилган № 139597-сонли диплом йўқолигани сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"Ўзагролизинг" АЖ 2019 йил учун халқаро ва миллий аудит стандарти бўйича "мажбурий аудит текшируви"дан ўтказиш юзасидан аудит ташкилотини танлаб олиш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Танловда қатнашчилар қуйидаги ҳужжатларни муҳрланган конвертларга солган ҳолда тақдим этишлари сўралади:
1) Аудит ташкилотининг ташкилий ҳуқуқий шакли, жойлашган ҳудуди, почта манзили, телефон алоқа рақами тўғрисидаги маълумотлар;
2) Лицензиялар, раҳбар имзоси ва ташкилотнинг муҳри, суғурта полиси, давлат рўйхатидан ўтганини тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқланган нусхалари;
3) Шартнома предмети, ариза берувчининг юридик шахслар фаолиятининг умумий аудитини ўтказиш тажрибаси, устав капиталида давлат улуши 50% дан юқори бўлган ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларини мажбурий текширишларининг сонини кўрсатган ҳолда раҳбарнинг имзоси ва аудит ташкилотининг муҳри билан тасдиқланган тижорат тақлифи;
4) Раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳужжатлар, жумладан, мутахассисларнинг таркиби ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар, аудиторлик ташкилотидан меҳнат шартномаси бўйича ишлайдиган халқаро ва бошқа сертификатларга эга бўлган ходимлар сони;
5) Аудит ташкилоти томонидан аудиторлик хизматларининг нархини кўрсатган ҳолда, молиявий ҳисоботларнинг мажбурий аудити тақдим этиш тўғрисида имзоланган шартнома лойиҳаси.
Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар, аризалар муҳрланган конвертда қуйидаги манзилга: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4А-уй, 2019 йил 10 октябрь соат 18.00 га қадар юборилиши лозим.